

Забидий / ВАҲИЙНИНГ БОШЛАНИШИ КИТОБИ / 1771-ҳадис

1771/5027 – عَنْ عُمَانَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ، عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: حَيْثُكُمْ مَنْ تَعَلَّمَ الْقُرْآنَ وَعَلَّمَهُ.

1771.5027. Усмон розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Энг яхшингиз Қуръонни ўрганган ва уни ўргатган кишидир», дедилар.

Абу Абдурраҳмон Усмон амирлигидан то Ҳажжож келгунича Қуръон ўқитди. У: «Мени мана шу ўтирган еримга ўтирғизиб қўйган шудир», деган».*

Изоҳ: Ҳадисни Усмон розияллоҳу анҳудан Абу Абдурраҳмон Сулабий, у кишидан эса Саъд ибн Убайда ривоят қилган. Ушбу охирги гап ўша Саъд ибн Убайдага тегишли. Бундан маълум бўладики, Абу Абдурраҳмон Сулабий раҳматуллоҳи алайҳ Усмон розияллоҳу анҳунинг халифалик давридан Ҳажжож ибн Юсуф Сақафий Ироқ волийси этиб тайинлангунча бўлган муддат мобайнида Қуръони Каримдан таълим бериш билан шуғулланган экан. Маълумки, Усмон розияллоҳу анҳу ҳижрий 23 йил, зулҳижжадан (м. 644 й. 7-ноябрдан) ҳижрий 35 йилнинг шаввол (м. 656 й. апрел) ойигача халифалик қилган. Ҳажжож эса 75-95 (м. 693-714) йилларда Ироққа амир бўлган. Саъд ибн Убайда бу муддатни аниқ айтмаган. Аммо Усмон розияллоҳу анҳунинг вафотлари билан Ҳажжож волий бўлган сананинг орасидаги муддатнинг ўзи 40 йилдир! Бунча муддат Қуръони Карим ўргатишнинг ўзи буюк хизматдир. Абу Абдурраҳмон Сулабий раҳматуллоҳи алайҳнинг шу қадар узоқ муддат Қуръони Каримни ўқитишга боғланиб қолганига у киши Усмон розияллоҳу анҳудан эшитган мазкур ҳадис сабаб бўлган экан.

1771«»«»:«»«» – «»«»«»«» «»«» – «»«»«» «»«»«»«»«» – 5028/«» «»«»«»«» «»«» «»«»«»«»«» «»«» «»«» «»«» «»«» «»«»«»«»«».

.1771A5028. Усмон ибн Аффон розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Энг афзалингиз Қуръонни ўрганган ва уни ўргатган кишидир», дедилар».

Манба: hadis.islom.uz



HADIS.ISLOM.UZ
NUBUVVAT MARVARIDLARI